

ДУНЁ ТИЛШУНОСЛИГИДАГИ АССОЦИАТИВ ЛУҒАТЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Дилбар Нодирбек қизи МИРНОСИРОВА

талаба

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

Dnodirbekovna@gmail.com

Аннотация

Мақолада психолингвистика тараққиёти учун муҳим лексикографик манба сифатида хизмат қилувчи ассоциатив лугатлар турлари, тавсифи хақида сўз юритилади. Унда дунё тилшунослигида яратилган ассоциатив лугатларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилади.

Таянч сўзлар: ассоциация, ассоциатив луғат, стимул сўз, жавоб реакцияси, ассоциатив майдон, психолингвистика, антропоцентрик тилшунослик.

ОБЗОР ИСТОРИИ СОЗДАНИЯ АССОЦИАТИВНЫХ СЛОВАРЕЙ В МИРОВОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

Дилбар Нодирбек қизи МИРНОСИРОВА

студент

Университет узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

Dnodirbekovna@gmail.com

Аннотация

В статье речь идет о видах и описании ассоциативных словарей, которые служат важным лексикографическим источником для развития психолингвистики. Были отмечены уникальные аспекты ассоциативных словарей, созданных в мире и Узбекистане.

Ключевые слова: ассоциация, ассоциативная лексика, слово-стимул, ответная реакция, ассоциативное поле, психолингвистика, антропоцентрическая лингвистика.

Луғатлар тилшунослик учун муҳим лингвистик манба вазифасини ўтайди. Уларда бир миллатга мансуб тил эгалари нутқига хос турли хусусиятлар, тилнинг ўзига хос жиҳатлари ўз аксини топади. Луғатлар орқали муайян тилнинг ривожланиш босқичлари, ижтимоий, маданий, сиёсий, иқтисодий жараёнларнинг унга таъсири масаласини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш имконияти мавжуд. Ўзбек тилига хос турли типдаги лингвистик лугатларни яратиш, уларнинг маълумотлар базасини ҳосил қилиш орқали

ўзбек тилининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш ва янада ривожлантириш учун замин яратилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон фармонида ҳам давр эҳтиёжига айланган лугат ва қомусларни яратиш масаласи долзарб вазифа сифатида эътироф этилган [1]. Бугунги кунда ўзбек тилшунослиги, хусусан, лексикографиясида яратилиши лозим бўлган соҳавий терминлар луғатлари, ўқув луғатлари қаторида мактабгача ёшдаги ўзбек болалари нутқини психолингвистик, социолингвистик, лингвопрагматик, ассоциатив тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш, улар нутқига хос жиҳатларни аниқлашга асос бўлувчи “Болалар ассоциатив луғати”ни яратиш ҳам ечимини кутаётган инновацион масалалардан бири саналади.

Ассоциатив луғат психолингвистика тараққиётини ўзида акс эттирувчи янги типдаги луғат саналади. Ушбу луғат инсоннинг лисоний онги, хотираси, дунёқараши, тасаввури, сўз бойлигининг аксиdir. Луғат орқали тил эгаларининг лисоний хотирасида маълум бир уя асосида ассоциатив майдонни ташкил этган ассоциатив муносабатли лексик бирликлар, уларнинг лексик-семантик, социолингвистик, прагмалингвистик, гендерологик хусусиятлари ҳақида маълумот олиш мумкин. Мазкур луғат тури ҳақида тилшунос олимлар томонидан турли фикрлар билдирилган. Хусусан, Д.Худойберганова ассоциатив луғатларни идеографик луғат (тезаурус)лар қаторига киритади [6;140]. Боиси, ассоциатив луғатларнинг луғат мақоласида сўзлар алифбо тартибида эмас, балки мавзулар бўйича жойлаштирилади. Ж.Дизз эса ассоциатив луғатларни “фикрнинг тилда аксини кўрсатувчи” когнитив луғат сифатида баҳолайди [3;104].

Илмий манбаларда қайд этилишича, ассоциатив луғатлар, аввало, луғатдан кўзланган мақсад ва унда амалга ошириладиган вазифаларга кўра бошқа турдаги лингвистик луғатлардан кескин фарқ қиласи. Бу типдаги луғатлар муайян тилнинг луғат таркибини текшириш, тил эгаларининг

лексик заҳираси, хотираси ҳақида маълумотга эга бўлиш, олам ҳақидаги тасаввурлари, билимининг тилда акс этиши масаласини ўрганиш, тилни меъёрлаштириш каби мақсадларни кўзда тутади. Ассоциатив луғатлар тил эгаларининг ижтимоий-тарихий хотираси ичига киришга имкон берувчи луғатлар хисобланади [5;101].

Бу типдаги луғатлар яратилиши ҳамда тузилишига кўра ҳам бир қатор лингвистик луғатлардан фарқланиб туради. Хусусан, луғатда бошқа турдаги луғатлар сингари сўзларнинг маъноси изоҳланмайди, уларнинг имлоси, маъно қатламлари ҳақида сўз юритилмайди. Ассоциатив луғатларда тажриба давомида синалувчилар томонидан стимул сўзларга берилган жавоб реакциялари ўрин олади. Жавоб реакциялари қаторини турли тил бирликлари (товуш, сўзлар, қўшимчалар, сўз бирикмалари, содда ва қўшма гаплар) ташкил этади. Ушбу бирликлар инсон хотирасида ассоциатив майдонни ҳосил қиласди. Й.Н.Карауловнинг таъкидлашича, “ассоциатив луғат тилни биз учун бирмунча ўзгача шаклда – роман ёки газета мақоласидаги каби тўлиқ матн кўринишида эмас, грамматика ёки изоҳли луғатлардаги каби системали тафсилот ҳолида эмас, балки ёйик жумлалар, гап тузиш учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилувчи ўзаро жуфт ҳолда боғланган сўзлар ёки сўзлар грухи кўринишида намоён этади” [7;9].

Ассоциатив луғат тузиш учун энг аввало, маълум миқдордаги тил эгалари нутқи устида ёзма ёки оғзаки ассоциатив тажриба ўтказилади. Тажриба давомида йиғилган материаллар электрон ҳолатга келтирилади, берилган жавоб реакцияларига кўра, ҳар бир стимул сўзнинг ассоциатив майдони тузилади. Жавоб реакцияларининг статистик таҳлили асосида уларнинг умумий миқдори, қўлланилиш частотаси, турли жавоб реакциялари, якка қўлланган жавоб реакциялари ҳамда жавоб берилмаган ҳолатлар аниқланади.

Луғатнинг ички тузилиши сўзбоши, луғат мақоласидан ташкил топади. Сўзбоши қисмида луғатга умумий тавсиф берилади. Унинг тузилиши, амалга оширилган ишлар, ўтказилган тажриба тури, луғатнинг амалий аҳамияти

хақида сўз боради. Луғат мақоласида стимул сўзларга берилган жавоб реакциялари ҳар бир стимул сўзнинг қаршисига стимул сўз – жавоб реакцияси тартибида қайд этилади. Жавоб реакцияларини қайд этишда уларнинг қўлланилиш частотасига кўра камайиб боришига эътибор қаратилади. Реакциялардан сўнг қавс ичидаги 1) уларнинг умумий миқдори; 2) турли жавоб реакциялари миқдори; 3) такрор жавоб реакциялари миқдори; 4) якка қўлланган жавоб реакциялари миқдори; 5) жавоб берилмаган ҳолатлар миқдори келтирилади.

Жаҳон тилшунослигида ассоциатив луғатлар тузилиши тартибига кўра икки турга бўлинади: 1) стимул сўз ва унга берилган жавоб реакциялари тартибида тузилган луғат (стимулдан реакцияга); 2) жавоб реакцияси ва у асосида тикланган стимул сўз шаклидаги луғат (реакциядан стимулга). Биринчи типдаги луғат тўғридан-тўғри луғат; иккинчи типдаги луғат тескари луғат деб номланади.

Шунингдек, ассоциатив луғатлар бир тилли ва кўп тилли луғат шаклида ҳам яратилиши мумкин. Ассоциатив луғатларнинг электрон платформаси улардан лингвистик маълумотлар базаси сифатида фойдаланиш имконини беради. Шу туфайли бугунги кунда европа тилшунослигида, хусусан, рус тилшунослигида босма шаклда яратилган қатор луғатларнинг электрон маълумотлар базаси ҳам шакллантирилган. Бу эса психолингвистиканинг замонавий ахборот технологиялари асосида ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида ассоциатив луғатларнинг яратилиш тарихига назар ташлар эканмиз, илк ассоциатив луғат 1910 йилда инглиз олимлари Х.Г.Кент ва А.Ж.Розанов томонидан тузилганлигига гувоҳ бўламиз. “Study of Assosiation in Insanity” деб номланувчи ушбу луғатга 18 ёшдан 87 ёшгача бўлган 1000 нафар турли касб эгаларининг жавоб реакциялари киритилган. Стимул сўз сифатида инглиз тилидаги юқори частотали 100 та стимул сўз танлаб олинган [8;317-390]. Кейинги йилларда А.Ж.Розанов луғатига киритилган стимул сўзлар асосида В.А.Русселл ва Ж.Ж.Женкинс томонидан

талабалар нутқи устида ўтказилган тажриба материалларини ўзида акс эттирувчи “Миннесота ассоциатив луғати” яратилди ҳамда Д.С.Палермо ва Ж.Ж.Женкинс томонидан мактаб ўқувчилари нутқи устида ўтказилган ассоциатив тажрибалар орқали тўлдириб, қайта нашр эттирилди. Г.Р.Кисс, Г.Армстронг, Р.Милрой томонидан тузилган ассоциатив лугат эса ассоциатив тезаурус сифатида эътироф этилади. Тезаурус 1972 йилда яратилган бўлиб, унда Буюк Британия ҳудудида яшовчи аҳоли вакиллари нутқидан жамланган 8400 та стимул сўз асосидаги 22700 та жавоб реакцияси ўрин олган [9;20].

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, тилни инсон омили асосида тадқиқ этувчи антропоцентрик тилшуносликнинг психолингвистика йўналиши янада тараққий эта бошлади. Жаҳон тилшуносларида инсон нутқини ассоциатив аспектда ўрганишга бўлган қизиқиш кучайди. Натижада немис, француз, белорус, швед, поляк, қозоқ, ёқут тилларида ҳам турли хил ассоциатив луғатлар яратилди [2;69-93].

Ассоциатив луғатлар яратиш борасида рус тилшунослигида ҳам самарали ишлар амалга оширилган. Хусусан, рус тилшунослигида дастлабки ассоциатив луғат 1977 йилда А.А.Леонтев томонидан яратилган. Мазкур луғатда 1969-1972 йилларда ёзма равища ўтказилган тажриба натижалари ўз ифодасини топган. Тажриба давомида синалувчиларга 500 та стимул сўз тақдим этилиб, ҳар бир стимул сўз бўйича 150 тадан 650 тагача жавоб реакциялари қабул қилинган [4;26].

Й.Н.Караулов бошчилигидаги жамоа томонидан тузилган рус тилининг ассоциатив луғати учун тажрибалар 1988-1997 йилларда 12 мингдан ортиқ респондентлар нутқи устида ўтказилган. Стимул сўз сифатида 6000 дан ортиқ сўзлар танланган ҳамда синалувчилардан 100 мингдан ортиқ жавоб реакциялари қабул қилинган. Луғат 1994-1998 йилларда ва 2002 йилда 2 жилдда нашр этилган. Ушбу луғат 2 қисмдан иборат бўлиб, луғатнинг биринчи қисми тўғридан-тўғри луғат (стимулдан реакцияга), иккинчи қисми эса тескари луғат (реакциядан стимулга) саналади. Мазкур луғатнинг бошқа ассоциатив луғатлардан фарқли жиҳати шундаки, ҳозирги кунда ундан

электрон маълумотлар базаси сифатида <http://thesaurus.ru/dict/dict.php> веб-сайтида фойдаланиш имконияти мавжуд.

Ассоциатив лексикография тараққиёти натижасида рус тилини бошқа тиллар билан қиёслаш асосида кўп тилли ассоциатив луғатлар ҳам яратилди. Бунга мисол тарзида Й.Н.Караулов бошчилигидаги муаллифлар жамоаси томонидан тузилган “Славянский ассоциативный словарь: русский, белорусский, болгарский, украинский” лугатини келтириш мумкин. Лугатда 112 та стимул сўз бўйича 1998-1999 йилларда ўтказилган ёзма ассоциатив тажриба натижалари акс этган. Синалувчилар сифатида Россия, Украина, Белоруссия, Болгария давлатларида жойлашган олий таълим муассасалари талабалари жалб этилган. Луғат 2 қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм тўғридан-тўғри луғат, иккинчи қисми тескари луғат шаклида тузилган. Лугатни таҳлил этар эканмиз, унда синалувчилар томонидан стимул сўзларга нисбатан берилган турли, якка ва такрор ҳолатда қўлланган жавоб реакцияларини учратамиз. Шунингдек, мазкур луғат тўрт миллатга мансуб (рус, белорус, болгар, украин) кишиларнинг лисоний онги, ассоциатив тафаккури, дунёқарashi ҳақидаги маълумотларни қиёсий ўрганишга имкон бериши билан муҳим аҳамият касб этади.

Қиёсий ассоциатив луғатлар сифатида М.Санчес Пуиг, Й.Н.Караулов, Г.А.Черкасова томонидан яратилган “Ассоциативный норм испанского и русского языка”, Н.В.Дмитрюкнинг “Казахско-русский ассоциативный словарь”, Л.В.Титованинг “Киргызко-русский ассоциативный словарь” ҳамда Й.У.Улянов томонидан тузилган “Латышско-русский ассоциативный словарь” каби луғатларни ҳам мисол қилиб келтириш мумкин [2;90].

Ўзбек тилшунослигидаги илк ассоциатив луғат профессор Д.Лутфуллаева раҳбарлигидаги илмий жамоа томонидан яратилган “Ўзбек тили ассоциатив луғати (миллий-маданий бирликлар)” саналади. Ушбу луғат 2019 йилда нашр этилган бўлиб, ундан 100 та стимул сўз ва улар билан ассоциатив алоқада бўлган 42645 та жавоб реакцияси ўрин олган. Лугатнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда стимул сўз сифатида тилдаги юқори

частотали бирликлар эмас, балки миллий-маданий бирликлар танланган. Шунингдек, дунё тилшунослигида яратилган қатор луғатлардан фарқли равища луғат учун ўтказилган ассоциатив тажрибада анъанавий эркин ассоциатив тажриба методи эмас, балки боғли ассоциатив тажриба усулидан фойдаланилган. Лугат иши бир неча босқични ўз ичига олган бўлиб, синаловчилар нутқи устида ўтказилган ассоциатив тажрибалар 2016-2019 йилларда Тошкент ва Навоий шаҳарларида ёзма равища амалга оширилган. Тажрибаларда жами 273 нафар Ўзбекистонда яшовчи ва ўзбек тилида сўзлашувчи, 18 ёшдан кичик бўлмаган респондентлар иштирок этган. Лугат орқали ўзбек миллатига мансуб тил эгаларининг лисоний онги, хотираси, сўзни идрок этиши, шунингдек, миллий-маданий бирликларни тушуниш даражаси, дунёқарashi, тафаккури, тасаввури ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Ҳозирги кунда ушбу луғат ўзбек тилшунослигида антропоцентрик йўналишлар бўйича яратилган мукаммал луғатлардан бири саналади [7;45].

Хулоса қилиб айтганда, дунё ва ўзбек тилшунослигида яратилган ассоциатив луғатлар тил тараққиёти учун муҳим маълумотлар базаси саналади. Улар орқали муайян миллатга мансуб кишилар нутқида юзага келувчи ассоциатив бирликларнинг социолингвистик, лингвопрагматик, психолингвистик ҳамда лингвокултурологик жиҳатларини илмий асосда ўрганишга замин яратилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // <https://lex.uz/docs/-5058351>
2. Еленевская М.Н. Овчинникова И.Г. Хранение и описание вербальных ассоциаций: словари и тезаурусы <http://iling-ran.ru/library/voprosy/29.pdf>
3. Залевская А.А. Введение в психолингвистику. – Москва: Direct media, 2013. – 560 с.

4. Леонтьев А. Словарь ассоциативных норм русского языка. Обратный словарь <http://itclaim.ru/Projects/ASIS/Leont/Index.htm>
5. Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Meriyus, 2017. – 145 б.
6. Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: филол.фан.д-ри...дисс. – Тошкент, 2015.
7. Lutfullayeva D., Davlatova R., Tojiboyev B. O‘zbek tili assotsiativ lug‘ati (milliy-madaniy birliklar). Navoiy universiteti, 2019. – 335 B.
8. Kent G.H., Rosanoff A.J. A study of Association in Insanity// American journal of Insanity, 1910.
9. Kiss G.R., Armstrong C., Milroy R. The Associative Thesaurus of English Edingburg: Univ.of Edinb., MRC Speech and Communication Unit, 1972. – 1539 p.